
Туман ҳокими Суфҳонжон Солиевнинг Наврӯз байрами табриги
Азиз ва муҳтарам тумандошлар, ҳурматли отахон ва онахонлар, туманимизнинг қадрли меҳнаткашлари!

Юртимизда баҳор нафаси, байрамлар шукуҳи уфириб турган шундай ҳузурбахш дамларда сизларни қадимий ва навқирон байрамимиз – Наврӯз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Жаннатмакон юртимизга кўкламнинг энг гўзал ва тароватли айёми бўлган Наврӯз ташриф буюрмоқда. Наврӯз – йил боши, табиатнинг уйғониши, эзгулик, меҳр-оқибат рамзи, янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши сифатида қадимдан халқимизнинг энг севимли ва қадрли байрами бўлиб келган. Бу кун умумхалқ байрами сифатида барча қишлоқ ва маҳаллаларимизда ўзгача кўтаринкилик билан нишонланмоқда.

Ушбу қутлуғ кунда барча туманимиз халқини яна бир бор нафосат, гўзаллик, янгиланиш, меҳр-оқибат байрами бўлган Наврӯз айёми билан муборакбод этаман.

Юртимизга тинчлик, барчанинг хонадонига осойишталик, қут-барака, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

2023-03-21 07:14:05